

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва усмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 93 (6835)  
1997 йил 29 ноябрь шанба

Сотувда эркин  
нархда

## ЧЎЛПОН ДЕГАНИ, БУ — ТОНГ ЮЛДУЗИДИР

Чўлпон бобом газетамиз ўқиган,  
Уқи-и-б, ўқ-и-иб, шеър, кўшиқлар тўқиган.  
Чўлпон бобом юзга кирган пайти мен  
Чин юракдан раҳматимни айтдим мен!  
Ҳақни сўзлаб, халқни кўзлаб кетганлар —  
Ишонаман, албат ҳаққа етганлар!  
Халқ олқишлаб, мактов, олқиш ёғдирар —  
Чўлпон бобом кабилардан чоғ диллар!



Чўлпон бобомнинг юз йиллигини нишонлаётимиз, — деган ўқувчига ҳам,  
Чўлпоннинг асарларини таҳлил қилиб бераётган ўқитувчига ҳам,

Китобхону газетхонга ҳам азалий ва абадий ҳақиқат — ҳақни айтиб ҳаққа етишмоқлик муқаррар эканлиги шу кунларда яна бир бор аён бўлмоқда. Ҳақиқатни баҳсларда намоён этган туғрилиқ — олтин зангламас эканлигини куз-кузлаган боболаримизнинг умр йули бизларга маъқдир.

**Чўлпон дегани, бу — офтоблар ботиб,**

**Махзун шивирлаган кундузлар саси.**

**Диллардан қадрини баъзида топиб,**


**Баъзида топмаган қадр кечаси.**

**Чўлпон дегани, бу — топталмаган руҳ,**

**Ернинг иссиқ бағри, осмон юзидир.**

**Ерга кўмилмаган самовий шухуҳ,**

**Чўлпон дегани, бу — тонг юлдузидир.**



БОШ МУҲАРРИР

Газетамиз ўқувчилари, катта-кичик муштарийларнинг шеъри бу! Чунки қарийб етмиш ёшли газета уз саҳифаларида кимларнинг шеърини босмади-ю, кимларнинг дил истакларини элга баён қилмади! Бутун бир тарих — газета тахламларини варақлаб тили бошқа, дили бошқаларни ҳам, ҳақни айтиб ҳаққа машаққат билан етишганларни ҳам, вақтида бурро бўлиб, вақт утиб соқовга айланганларни ҳам кузгуда кургандек яққол куз олдинигизда пайдо қилишингиз мумкин.

### ВАТАН, ТУПРОҒИНГДАН БЎЛМАЙЛИК ЖУДО

Салом «Тонг юлдузи». Мен сента яна хат йушламоқдаман. Аввалги мактубимни чоғ эгнингдан наинки мен, балки бутун мактабимиздагилар роса хурсанд бўлишди. Ўқитувчиларим ҳам уша кундан бери менга умид билан қарашади.

Яқинда мактабимизда яна бир қизик кеча бўлиб ўтди. Уни адабиёт муаллимамиз Уктамхон опа Дадамирзаева ташкилладилар. Кечамизга туманимизнинг таниқли шоир ва ёзувчилари меҳмон бўлиб келишди ва узларининг Ватан ҳақидаги шеърларидан ўқиб беришди. Мен ҳам бундан илҳомланиб Ватан ҳақидаги туртлигимни ўқидим:

**Новдалари оппоқ гулласа**

**ўрик,**

**Юртимнинг жамоли бўлар**

**хўп кўхлик.**

**Элим эллар аро шухрат топ,**

**илло,**

**Ватан, тупроғиндан**

**бўлмайлик жудо...**

**Баҳриддин**

**АБДУРАҲМОНОВ,**

**Чортоқ туманидаги**

**18- мактаб**



### АСКАР

#### БЎЛМОҚЧИМИСИЗ?

Мен яқингинада хизматдан қайтдим. Ўқувчилик йилларимни эслаб, сизга мактуб йуллаяпман. Ахир мен ҳам кечагина мактаб боласи эдим, мана энди заҳирадаги собиқ аскарман. Менимча, бугунги булажак посбонларни аскарликка тайёрлаш ишлари ҳали ҳам кунгилдагидек эмас кўринади. Сизларга мактуб йуллашимдан мақсадим ҳам шу. Газета саҳифаларида тез-тез



### МЕН АЙТАЙ



ёшларни мана шу жараёнга тайёрлаш борасида тарбиявий мақолалар бериб бориш керак. Ватан тушунчаси муқаддас. Унинг ҳар бир сиқим тупроғи ҳаммамиз учун азиз эканлигини ёш укажонларим яхшироқ англаб, сунгра армияга борсалар, ҳарбий хизмат янада мароқли буларди.

Мендан биров яна аскар бўлишга хоҳишинг борми, деб сураб қолса, албатта «Ҳа» деб жавоб берган булардим.

**Ризомуҳаммад**

**ЭРСОРИЕВ,**

**Бухоро вилояти Қорақўл**

**туманидаги**

**Жигачи қишлоғи**

### ҲОЖАТБАРОРЛИК

Дадажоним ҳар куни уйга алламаҳалда кириб келадилар. Айниқса, синглим Шаҳноза билан биргаликда уларнинг келишларини интизор бўлиб кутиб ўтираман. Чунки, улар Наманган транс «Дустлик» шохбекатида бир неча йиллардан буён газначи бўлиб ишлайдилар.

Эрта саҳарлаб ишга шопшаётган дадамга Инобат бувижоним «Йуловчиларнинг ҳожатини чиқаргин, болам, сендан ҳеч ким

норози бўлмасин», деб насиҳат қилдилар.

Куни кеча дадам уйга бир нотаниш чол-кампирини етказиб кириб келдилар. Қушни Ўш шаҳридан. Наманганда ўтказилган «Гул байрами»га айланиш учун келган икки қария уз йуналишидаги автобус қатновига улгурмаган экан. Шохбекатда узоқ туриб қолган бу йуловчиларни дадам уйга олиб келибдилар. Барчамиз меҳмонлар ташрифи-

дан қувониб кетдик. Айниқса, бувижоним узлари тенгқур мо-мо билан эрта тонгача суҳбатлашдилар. Бундай ажиб воқеалар оиламизда тез-тез бўлиб туради.

«Дустлик» шохбекати бошқармаси бошлиғи Икромжон ака Абдуллаев яқинда бўлиб ўтган «Йул транспорти ходимлари» байрамида илгор ишчилар Иномжон Холмирозев, Хусанбой Иномовлар сафида дадажонимнинг шаълирига ҳам илиқ сузлар айтдилар. Тантанали равишда топширилган ериқда «Ибратли ва меҳнатда фаоллик курсатгани учун «Дустлик» шохбекатининг газначиси Нозимжон Холқузиёв фахрий ериқ билан мукофотлансин» деган ёзувлар бор эди. Шунда ҳожатбарор дадажонимни янада яхши куриб кетдим.

**Нодирбек ХОЛҚУЗИЕВ,**

**Наманган шаҳридаги**

**Аҳмад Яссавий номли**

**5-мактаб ўқувчиси**



## Мактублар КУТИСИ


МЕҲРИНГ БИРИНЧИ  
ШЕЪРИМ

Сиз дунёда тенги йўқ  
Энг азиз инсон.  
Меҳрингиз жўшиб турар  
Биз учун ҳар он.

Мактабдан келганимда,  
Овқат тайёрлаб доим,  
«Доно қизим, кел» дейсиз,  
Сўзларингиз мулойим.

Айтасиз ҳар кун оқшом  
Янги эртақ ё достон.  
Бахтимизга ҳар қачон  
Омон бўлинг, онажон.  
Бу шеърни онамга айтиб  
бергандим, улар мени бағри-  
ларига босиб «бу сенинг би-  
ринчи шеъринг. Сен албатта  
шоир буласан», дедилар. Сиз  
нима деб уйлайсиз, азиз тенг-  
дошлар!

**Мунира ХОЛИЁРОВА,**  
**Самарқанд вилояти**  
**Нуробод туманидаги**  
**29- мактабнинг 4-синф**  
**ўқувчиси**



### «АСАЛОЙ»ДА ҲАР КУНИ БАЙРАМ БЎЛСИН!

Яқинда С. Раҳимов туманидаги «Асалоӣ» номли 78-болалар боғчасида Ҳосил байрами бўлиб ўтди. Байрамда болажонлар кўплаб шеър, кўшиқлар айтиб рақсга тушишди. «Афанди бобо», «Дехқон бобо»лар ҳам боғча тарбияланувчилари эди. Байрамда айниқса боғча-лицей гуруҳининг «Ўзбекистон», «Кичкина», «Темур бобо», «Чаққон қиз» каби куй-кўшиқлари ҳаммани хушнуд этди.

Болажонлардан Шерзод, Тулқин, Умид, Дилноза, Фарух, Тошқул, Умидаларнинг чиқишидан ҳамма завқ олди. Бунда лицей-гуруҳ тарбиячи-ўқитувчиси Саноат Жўраеванинг катта ҳиссаси бор. Мусиқа ўқитувчиси Шаҳноза Ибрагимованинг танилаган куй-кўшиқлари байрамга янада жозоба бахш этди.

— Болалар учун ҳар куни байрам қилсак оз. Уларга шодлик, бахт, қувонч улашамиз деб юрибмиз-да, — деди боғча мудираси Шоира Ортиқова.

**Зебунисо БОБОКУЛОВА,**  
**Тошкент шаҳар**  
**С.Раҳимов туманидаги**  
**243-мактаб ўқувчиси**

## Орзули кунлар иқболи...

1951 йил, июн ойининг охири. Содиқжон мактабни медаль билан тамомлади, деган хушxabар бутун қишлоққа ёйилди. Ушанда уни билган, таниганлар «зап медалга яраша бола-да, бизнинг Содиқжон» дея олқишлаганди. Куп утмай у ушбу ишонччи оқлади. Тошкент Давлат университети тарих куллийетининг талабаси булди. Омадли кунлар бахтли кунларга эгиз экан. Қушни қишлоқда у билан бирга ўқишга қатновчи Зарофатхон Содиқжон хонадонининг орзу-хавасли бекасига айланди.

Икки талаба олийгоҳни битириб, йўлланмага асосан Қашқадарё вилоятининг Китоб туманига ишга отландилар. Китобликлар бу икки ёш мураббийни қаттиқ ҳурмат қилишар, фарзандларига фақатгина шу тошкентлик муаллимлар сабоқ беришини чин дилдан исташарди.

Тумандаги янги— 11-мактабга директор этиб тайинланган Содиқжон тиниб-тинчимаслиги, талабчанлиги билан мактабни, мактаб билан ҳамнафас, ҳамқадам ўқувчиларни чиндан ҳам оёққа тургазди.

## СЎЗЛАРИНГИЗ «ШИРИНЧОЙ», УСТОЗ

Қаҳратон қишнинг аёзли кунларида мактаб утин, кумир билан исирди. Бу ҳам мактабга барвақт келадиган Содиқжон аканинг кунлик вазифаси эди. Мактаб остонасидаги қорларни кураб, болалар учун йўл очишини айтмайсизми?! Болажон муаллимнинг синфни тулдириб утирган болаларга қараб «Совуқ еганлар борми? Шакар чой қилиб берайми?» — деб сурашлари-чи!... Мехр билан боқиб турган болаларнинг сузлари эса нигоҳларида намоён эди: «Ҳар бир сузингиз биз учун «ширинчой» «шакар чой» устоз! Бир кун мактаб ойнаси чил-чил синди. Тўп тепган болалар аччиқ суз кутиб ер чизиб туришди. Ундай булмади. Устознинг «Хашарга!» сидан ташлайдиқ, уйдимчуқурликлар текисланди, куркам стадион барпо булди. Болалар билан тўп тепиш, уз ўқувчиларидан «нуоқлиги» учун дакки эшитиш... эслаб, қулоғига қизариб кетади энди устоз.

## ШОГИРДЛАРИМ —ШАРАФ-ШОНИМ

Китобни тарқ этиш осон кечмади. Тошкентлик муаллимларини кузатишга бутун қишлоқ чиқди. Ҳатто терак япроқлари-ю, садарайхонлар силкиниб «Бизни унутманг» деяётгандек эди. «Сизни унутиб буладими? Сизни йўқлаб тез-тез келиб тураимиз!» Зарофат опанинг сузи боис, устоз кузида чўгдек ёшини яширди... Содиқжон ака Бешёғоч-

## Қадрият



фокор — Феруза, Матлубаю Махфузанинг — мухандис Искандар, эл тинчилиги йулида хизмат қилаётган Лазизбекнинг, муаллима Мазлума, келинлари Дилоромхону Сурайёхонларнинг бахти камолдан кукси тоғ, орзулари беадоғ. Ҳамма ота-оналар каби: «Фарзандларим — бахтим, қувончим !!!» — деб гапиришлари шундан.

ҳатто уз ҳовлисидаги ниҳолларни мактаб боғига кучиргани... ҳамма-ҳаммасини айтишди улар! Касбдошлари, қаранг қанчалар сезгир-а! Ҳар бир саъйи ҳаракати устозу ўқувчилар куз унгида намоён. Шунинг учун устозларни эл назаридаги инсонлар дейишарканда!

## БЕТОБЛИҚДА ҚАДР БИЛИНАР ЭКАН...

Яқинда мактабда 1977 йил мактабни битирган 20 йиллик синфдошларнинг учрашув кечаси булиб утди. Мактабга барча устозлар таклиф этилди. Содиқжон ака эса бетоблиги сабаб кечага боролмади. 30 нафар ўқувчининг узи устозини кўргани хонадонини тулдириб кириб келиши 20 йиллик соғинч ёшларига қушилиб кетди... Устоз ҳолидан хабар олиб турган шогирдлар йўқлаб келишлари сабаб устоз бетоблигидан асар ҳам қолмагандек эди. Шу-шу йўқловчиларнинг охири кўринмайди. Бу хонадонга кимлар келиб кетмайди. Кимлар бу устоз ҳолидан хабар олмайди дейсиз?

Инсон ҳамиша меҳрга, ширин сузга ташна. Айниқса хаста дил дардига малҳамни ана шу овунчоқ — қадронлар суҳбатию, кунгил овулар сузлардан топади. Бу гузал хислатлар эса Содиқжон аканинг меҳрибон, ширин суз, мунис рафиқаси Зарофат опада ва беш ойдан буён бемор ётган қайнотасига парвона булгётган Дилоромхондек аёлларда бисёр. Шундан булса керак, 21 набиранинг барчаси ҳар тонг буважони дийдорига ошиқади. Ҳар сафар дастурхон атрофида 21 жуфт жажжи қул бобосига яратгандан шифо сурайди...

Биз азиз ўқувчиларга инсонни қадрланг, қадрон мураббийларингизни бот-бот йўқлаб ҳолидан хабар олиб тулинг, деган фикрни синдириш мақсадида шу мақола ни ёздик. Қолаверса ҳар бир устоз-бир олам. Бу оламга сайр қилмоқ бизга яна бир сабоқ, битмас-туганмас ирода бахш этади!

**Нилуфар ДАВИДОВА,  
Абдухамид  
АБДУҒАППОРОВ**

# ҚЎМСАГАНИМ, СОҒИНГАНИМ ФАҚАТ МАКТАБ!

даги тарих илмий текшириш институтида фаолиятини давом эттирди. Лекин мактабни соғиниш, болаларнинг шуҳликларини қўмсаш уни тарқатмасди. 1963 йилда узи ўқиган 26-мактабга тарих муалли-

**Содиқ акага ҳар байрам тантаналарида кўлаб келадиган табрик хатларидан кўчирма:**

*«Устоз, сизни фақат муал-*

## КАСБДОШЛАР НИГОҲИДА

Ушанда 1993 йил 18 сентябрь кун устознинг 60 йил-



ми булиб ишга кирди. Мураббийлик, илмий булим мудирлиги...

1988 йилда мактаб 270-лицей-мактабга айлантирилди. Янги мактаб биноси, янги талаблар бошида Содиқжон ака турарди. «Олий тоифадаги ўқитувчи», «Меҳнат фахрийси» курак нишонлари ва бир қатор фахрий ёрликлар устоз меҳнатининг қадрини кўрсатиб турибди. Устоз узининг 60 йиллик меҳнат-шараф туйида «Шогирдларим бири олим, бири ёзувчи, бири шифокор, бошқаси деҳқон сифатида халққа керакли инсон булиб етишишди. Парваришлаган дарахтларининг меваси менинг олий унвонларим, шараф-шоним», — дедилар.

*лим деб эмас, балки дилкаш суҳбатдош, ажойиб дуст сифатида ҳам яхши биламан. Юракдан айтган насиҳатларингиз ҳаёт йўлларимда асқотаяпти... Уша меҳр, уша ҳурмат сабаб ҳамишалик тилагим — соғ бўлинг!»*

**Абдурасул Абдувосиқов,  
Тошкент Метрополитени  
бош мухандиси**

## ҚАЙНОТАМ-ОТАМСИЗ!

*Файзли хонадоннинг аъзоси, сизнинг келинингиз эканлигимдан фахрланаман. 13 йил булибдики, оғзингиздан бирон гийбат, ёмон сузу биронинг камчилигидан қулганизни эшитганимни эслолмайман. Ҳам устозу ҳам туғишган отамдек азиз булган касбдошим, омон бўлинг!*

**Дилором ТУЛАГАНОВА,  
273-лицей-мактабининг  
тил-адабиёт муаллимаси**

## ФАРЗАНДЛАРИМ — БАХТИМ, ҚУВОНЧИМ

Содиқжон ака ва Зарофат опалар эндиликда етти фарзанднинг, олий маълумотли ши-

лик туйлари тантаналарида касбдошлари Тулаган Йўлдошев, Ҳабибулло Абдуллаев, Қудрат Обидов, Суҳбатилло Исматов, Абдуваҳоб Абдуғаппоров, Маҳсума Аҳмедова, Насиба Зайниддинова, Шарофат Асқарова, Рихсихон Ғиёсовалар... айтган самимий гаплар устоз кунглини тоғдек кутариб, умрини узайтиргандек эди. Айниқса устози Ғани ака Қодировнинг сузлари унинг кузларида беихтиёр еш пайдо қилди. Янги мактаб бунёдида қушган ҳиссаси, мактаб ҳовлисини гулга буркагани, ремонт ишларида белни маҳкам боғлаб адл тургани,



Акмал Икромов туманидаги Ойдин Собирова номли 106-урта мактаб тумандаги энг намунали мактаблардан саналади. Яқинда мактабимиз курилиб, ишга тушганига 30 йил тулиши муносабати билан тантанали юбилей кечаси бўлиб ўтди. Кечада мактабнинг биринчи қалдирғочлари, битирувчилари, ҳозир қариллик гаштини сураётган ҳурматли устозлар ва бошқа кўпгина меҳмонлар қатнашди.

Кечани мактабимизнинг математика ўқитувчиси Убайдулла ака Абдуллаев олиб бордилар. Шунингдек, мактабимиз директори Қудратилла ака Толбегонов тантанага йиғилган

## БОЛАЛИК БИЛАН УЧРАШУВ



### Шодиёна

барча меҳмонларни самимий қутлаб, кечани очиб бердилар. Қувонч устига яна қувонч бўлди. Чунки шу куни мактабимизнинг кўпгина жонқуяр ўқитувчилари «Халқ таълими фидойиси» кўкрак нишони ва Фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар. Куйқушиқлар, жозибали рақслар кечага файз киритди. Неча йил учрашмаган кадронлар учрашди, соғинч ва ҳаяжонга тула дийдорлашувидан диллар қувончга тўлди.

**Дилором ХАМИДОВА,**  
106-мактаб ўқувчиси



## «Ойнаи Жаҳон» — болаларга

Ўзбекистон телевидениесининг болаларга аталган дастурини газета саҳифаларида ёрита бошлагач таҳририятимиз кўп мактублар олмақда.

Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳрида яшовчи ун фарзанднинг онаси Хосиятхон Мирзақориева бундай деб ёздилар:

«Ҳурматли редакция ходимлари! Болаларга аталган дастурни эълон қилиб, жуда хайрли иш қилдинглар. Илгари болаларим телевидениеда берилаётган барча курсатувларни бир бошдан куриб, жуда чарчар эди. Ҳозир сизлар бериб бораётган дастур буйича курсатувларни куриб, дарсларини тайёрлашга ҳам вақт топаётдилар. Газетада ёритилган дастур болаларимни дарс жадваллари ёнида туради. Бунинг учун сизларга катта раҳмат».

Мана бу мактубни Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани Амир Темур номли 1-мактаб ўқувчиси Шоҳиста Турдиевадан олдик. Энди биз «Тонг юлдузи» орқали болалар курсатувлари дастурига эгамиз. Шунинг учун мактабимизда «Тонг юлдузи» газетасига обуна бўлиш жуда қизиқ кетди.

Шундай мазмундаги хатларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Бундан ташқари муҳарририятимизга жуда кўплаб телефонлар ҳам бўлаяпти. Яқинда болаларнинг севимли адаби Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳаким Назир кўнгирак қилдилар:

— «Ассалому алайкум, бу телевидениеми? «Болалар»

курсатувлари Бош муҳарририятими? Сизларни болалар учун тайёрлаган курсатувларингиз дастурини «Тонг юлдузи» газетасида ўқиб, жуда хурсанд бўлдим. Газетадаги болалар дастурини қирқиб иш столим устига қўйиб, барча курсатувларингизни куриб бораёпман. У менга сизларнинг курсатувларингизни куришга аниқ режа бўлди. Раҳмат, яхши иш қилибсизлар. Республика болаларига ҳам осон бўлибди. Шу ишни давом эттиринглар, раҳмат сизларга!»

Бизга хат йўллаганларга таҳририятимиз ижодкорлари номидан миннатдорчилик билдирамыз.

Энди шу йил 1997 йил 1 декабрдан 7 декабргача бўлган ҳафта давомида «Болалар» Бош муҳарририяти томонидан намойиш этиладиган айрим курсатувларга қисқача шарҳ берсак. Бу галги «Омад юлдузи» курсатувимизда Салимжон Саидов ва Дилмурод Шукуровлар оиласи беллашади.

«Санъат гунчалари» курсатувида эса Ўзбекистон халқ артисти Малика Аҳмедова мактабида рақс санъатини урганаётган ўқувчи-қизлар иштирок этишади.

«Ўз урнинг бор» курсатувида ногиронлар кунига бағишланади. Унда Тошкент шаҳридаги ногиронлар мактабларига ёрдам бераётган ҳомийлар ҳақида хикоя қилинади.

«Хотира китоби» курсатувида шоир Қуддус Муҳаммадийнинг узи ўқиган шеърлари намойиш этилади.

**Тоҳир МУЛЛАБОВ,**  
Ўзбекистон телевидениеси «Болалар» Бош муҳарририятининг гуруҳ раҳбари

- 11.00 Немис тили.
- 11.30 Тасвирий санъат.
- 18.10 «Ғойиб бўлди осмонда қуш». Мультфильм.
- 18.20 «Хотира» китоби. Қуддус Муҳаммадий таваллудининг 90 йиллигига бағишланади.
- 20.10 «Оқшом эртақлари». Уз. ТВ 2-дастур
- 9.00 «Аралаш-қуралаш» болалар учун дастур.
- 18.20 «Бор экан-да, йук экан».
- Уз.ТВ III-дастур
- 18.20 «Эртақ учун раҳмат». Телефильм.
- Уз.ТВ IV-дастур
- 18.45 «Мульткарусель».
- 19.30 «Умид чечаклари».
- Шанба, 6 декабр**
- Уз.ТВ I-дастур
- 10.05 «Орзулар қанотида».
- 13.40 «Қушигим-жон қушигим».
- 19.50 «Оқшом эртақлари». Уз.ТВ-2
- 19.00 «Бор экан-да, йук экан».
- 18.15 «Боланинг тили».
- 18.30 «Ёрилтош». Мульттуплам.
- Уз.ТВ IV-дастур
- 9.00 Аэробика.
- 9.25 Шанба эртаги.
- 12.00 Корейс тилини урганамиз.
- 18.45 «Мульткарусель».
- 20.00 «Биргаликда қуйлайлик».
- Якшанба, 7 декабр**
- Уз.ТВ I-дастур
- 8.25 «Камалак». Кинодастур.
- 10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
- 12.40 «Қувноқ стартлар».
- 14.45 «Нурли келажак» видеоканали
- 18.00 «Қўнғироқча».
- Уз. ТВ 2-дастур
- 9.00 «Боланинг тили».
- 9.15 «Ёрилтош». Мульттуплам.
- 18.15 Болалар дунёси.
- Уз.ТВ IV-дастур
- 9.55 «Эртақларнинг сеҳрли олами».
- 18.45 «Мульткарусель».
- Кўрсатувимиз ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз!**

Ўзбекистон телевидениесининг болалар учун 1997 йил, 1 декабрдан 7 декабргача тайёрлаган дастури:

### Душанба, 1 декабр

- Уз. ТВ I-дастур
- 9.30 «Омад юлдузи».
- 18.10 «Санъат гунчалари».
- 20.10 «Оқшом эртақлари».
- Уз. ТВ 2-дастур
- 18.20 «Ёрилтош». Мульттуплам.
- 18.35 «Табиат дунёси».
- Уз. ТВ-IV
- 18.45 Мульткарусель.
- Сешанба, 2 декабр**
- Уз. ТВ I-дастур
- 10.30 Физика.
- 11.00 Инглиз тили.
- 20.10 «Оқшом эртақлари».
- Уз. ТВ 2-дастур
- 18.20 «Ёрилтош». Мульттуплам.
- Уз. ТВ IV-дастур
- 18.50 «Мульткарусель».
- 20.15 «Жонли тил».

### Чоршанба, 3 декабр

- Уз. ТВ I-дастур
- 10.30 Ботаника.
- 11.00 Янги алифбони урганамиз.
- 11.30 Умумий биология.
- 12.40 «Сайқал» видеоканали.
- 18.10 «Ўз урнинг бор»...

### КИМНИНГ СОЧИ УЗУН?

Ким булмоқчиликни эшитиб, баъзингиз «Сухандонлик уғил болага касб бўлдимми?» — дерсиз. Ким нима деса десину, лекин мен албатта сухандон буламан. Бунинг учун излашиб, урганяпман. Ҳар сафар ойнаи жаҳон орқали сухандон Мирзоҳид Раҳимов чиққанларида ҳаёлимда узимни у кишининг урнида кураман, узимни моҳирлик билан матнлар ўқиётгандек тутаман. Ҳатто ойнага қараб, қайта-қайта машқ қиламан. Бувим Мирзоҳид ака чиқиши билан «Қорақош» болам чиқди, уғлим, телевизорининг овозини баландроқ қил, дейдилар. Яна айтадиларки, мен у кишига жуда жуда ухшар эмишман. Бувимнинг шу кунларда хурсанд бўлиб юрганларини ҳам сизларга ёзмоқчиман. Улар «Ахборот» да об-ҳаво айтадиган қизларни кураман деб ҳаммадан олдин телевизор олдига утириб оладилар. Соchlари узун, атлас қуйлакки қизларга ҳавас билан қараб: «Газетангларда кимнинг сочи узун?» деган мусобақа утказишса булмайдами, — дейдилар. Сиполик билан миллий кийимлар кийган, соchlари силлиқ таралган узимнинг узбек қизлар қупайса, юртимизга янада файз-барақа кирари дейдилар. Сиз бунга қандай қарайсиз?

**Шарофиддин Тўлаганов,**  
Тошкент туманидаги 16- мактабнинг 7- синф ўқувчиси

- 20.10 «Оқшом эртақлари».
- Уз. ТВ 2-дастур
- 18.20 «Ёрилтош». Мульттуплам.
- Уз.ТВ IV-дастур
- 18.45 «Мульткарусель».


### Пайшанба, 4 декабр

- Уз. ТВ I-дастур
- 11.00 Она тили.
- 12.40 «Ҳикматлар хазинаси».
- 18.10 «Кичикинтойимиз-тижинтойимиз».

- 20.10 «Оқшом эртақлари».
- Уз. ТВ 2-дастур
- 9.00 Мультипанорама.
- 9.20 «Синфдош».
- Уз.ТВ IV-дастур
- 18.45 «Мульткарусель».

### Жума, 5 декабр

- Уз.ТВ I-дастур
- 9.50 «Танаффус». Мультфильм.
- 10.05 «Умид учқунлари».
- 10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.



### Бу қанақаси?!

Санъатда нималар булмайди. Ҳар қандай қутилмаган воқеалар сахна ортидаги ҳаётда кўп учрайди. Концерт пайтида хонандаларнинг фонограммалари алмашиб қолиши ҳам, сунгги дақиқада бирор санъаткорнинг зарур костюми йўқолиб қолиши ҳам мумкин.

Аммо 5 ноябрь куни телевидение орқали намойиш этилган (6 ноябрь куни эрталаб такрор намойиш этилди) «Эстрада хонандалари қуйлайди» деб номланган концертда «Оқсарой» гуруҳи учун ҳам Шухрат Қаюмов сахнага чиққани, энг қизиги «Нола» гуруҳининг ҳаммага маълум қушигининг фонограммасига «Оқсарой» гуруҳининг хонандаси «қушиқ айтгани» ҳақиқий «янгилик» бўлди. Юқорида айтганимиздек, сахнада ҳар қандай қутилмаган воқеалар бўлиши мумкин. Лекин миллионлаб томошабинларни узига жалб этадиган телевидениеда бу «хато»ларни турғилаш ва яхши концерт номерларини намойиш этиш имкони эртаси куни бор эди-ку... Еки «Нола» гуруҳининг овозини «Оқсарой» гуруҳидан ажрата олишмадимикан. Ахир буни еш болалар ҳам билдилар.

**Бахтиёр ИКРОМОВ,**  
Андижон вилояти, Кулла қишлоғи

«Суз борким, эшитувчи танига жон кирур...», дейлади «Маҳбуб ул-кулуб»да. Агар сузга ҳамоҳанг мусиқа булса-чи? Яна яхши. Ҳамза номли 3-мусиқа мактабининг гижжак мутахассислиги дарсида «танга жон киритувчи» мусиқанинг гувоҳи булдик.

Уқувчилар гижжакнинг сир-асрорларини тугараклар орқали ҳам мустаҳкамлайдилар.

Болалар ижодкорликка

га ҳам хотиржамлик солган. Чунки Сулаймон аканинг асосий вақти болалар билан утади-да!

Устознинг бастакорлиги ҳам болалар учун! Абдурахим Ҳамидов, Шухрат Зиёев, Муҳиддин Отақулов каби шогирдлари Мухтор Ашрафий номли консерваторияда, Дилшод Мирзаев, Турдимамаат Алимовлар эса мусиқа мактабларида у кишининг ишини давом эттирмоқдалар.

Менинг икки отим бор,  
Бири қизил, бири қашқа.  
Солиштириб қарасам  
Ҳамма отлардан бошқа.  
Минсам қизил тойимни,  
Қурқиб кетади ойим  
«Қурқманг,  
ойижон, ювош,  
Отларим эмас бевош».

## ОТЛАРИМ



## Тенгдошларинг ижоди

Эркаланиб олдимда,  
Хурсанд булиб кишнайти.  
Қарамай уйнаб қолсам  
Хафа булиб тишлайди...  
**Ориф РАСУЛОВ,**  
Сирдарё вилояти Оқ олтин туманидаги 28-мактабнинг 5-синф ўқувчиси

ни қишлоқда яшайдиган бир чупон йигит малика-

### Қутлов

# МУЪЖИЗАКОР КУЙ

берилиб, туман, шаҳар лауреати булиб қайтишди, яқинда эса, гижжакчи Обид Холмуҳамедов хотирасига бағишлаб утказилган фестивалда фахрли иккинчи

Сулаймон аканинг уч фарзандлари ҳам халқ чолғу асбобларига меҳр қуйган.

— Нима учун ҳозирги ёшлар чолғу асбобларини чалишдан кўра электр асбобларига берилиб кетаяптилар-а? — деб сўрайман устоздан.

— Электр асбобларини чалиш осон-да, — дейдилар улар қулиб. Қолаверса, дуқонлардан бугунги кунда миллий асбобларимизга қараганда замонавийларини топиш осон.

Бу кулгуда изтироб, қизганиш, беҳаловатлик мужассам-

лигини сезиб улардан кўзимни олиб қочаман ва беихтиёр қачонлардир эшитганим бир эртак едимга тушади...

Қадим замонларда бир подшо утган экан. Унинг якка-ю ёлғиз қизи булиб, у онадан тугма кўр экан. Қизи вояга етган сайин бундан ташвишланган шоҳ оламга жар солибди. «Кимки қизимнинг кўзини очса, тенг ярим бойлигим уники булади» дебди. Қуш-

нинг кўзини қандай тузатиш ҳақида уйлай бошлабди ва бир куни найини олиб, саройга кирганда... ҳеч ким уни назар-писанд қилмабди.

Бир четга утириб най чала бошлаганда эса... қизнинг кўзи очилиб кетибди!

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги Эгам Худойберганов раҳбарлик қилаётган Ҳамза номли 3-мусиқа мактабида муъжизакор куйнинг сеҳрли оламида яшаётган 400 га яқин уқувчи таҳсил олади. Торли асбоблар, фортепиано, халқ чолғу асбоблари булимларида уқувчилар уз соҳалари буйича маҳоратларини ошириб, ҳатто Республика миқёсида кўзга тушишган.

Яқин кунларда 3-мусиқа мактабининг ташкил этилганга 50 йил тулади. Шу муносабат билан ота каби меҳрибон Сулаймон ака Хабибуллинни ва унинг каби фидойи мураббийларни қутлуг тантана билан чин юракдан қутлаймиз.

### Феруза ОДИЛОВА

Суратда: Дастаннинг яккагон хонандаси, 146-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Музаффар Умаров устози Сулаймон Хабибуллин билан.

Сураткаш: Равиль АЛЬБЕКОВ



уринни олдилар.

Гижжакда якка ижро этишнинг узи мураккаб. Саккизта гижжакчининг биргаликда соф товуш чиқариши янаям қийин. 40 йилдан бери шу даргоҳда меҳнат қилиб, болаларга халқ чолғу асбобларини ургатаётган Хабибуллин Сулаймон акани уқувчилар жуда севишади. Домланинг камтарлиги, болаларнинг қалбига йул топа олиши ота-оналар кунгли-

Азизжон ойисига шундай савол берди:  
— Нега мен гулларнинг очилишини ҳеч кўрмайман?  
— Улар жуда эрта, эрта тонгда очилади. Сен унда уқлаб ётган буласан-да, — деди ойиси.  
— Булмасам-чи, ойи, мени эртага эрталаб уйготинг. Гулларга айтинг, очилмай турсин. Ҳозир Азизжон туради, денг.




Азизжон осмонга қарар экан, унда сузиб юрган оппоқ будутларга кўзи тушди.

— Ойи, осмоннинг печкаси тутаб кетибди. Уни қандай тозалаб қўйсам экан?

Ойиси унга қараб қулиб қўйди.

Мафтуна ТЎРАЕВА,  
Ургут шаҳридаги «Иқбол» лицейи ўқувчиси



Бугунги кунда ер юзи буйлаб ҳаммаси булиб 265 минг тур усимликлар мавжуд, деб ҳисобланади. Бу усимликларнинг 92% қуруқликда усувчи усимликлардир. 8% сув усимликларига тўғри келади. Усимлик турларининг 50% ортиги гулли усимликлар, 27% ни замбуруғлар ташкил этади. Қолганлари мох ва сув утларидир.

Ер юзидаги урмонларнинг майдони 410 миллион гектар

атрофида, яъни бутун қуруқликнинг 31% дан салгина ошади. Урмонлардаги ёғоч миқдори 130-140 миллиард куб метр, мамлакатнинг урмон билан таъминланганлик даражасини аҳоли жон бошига тўғри келувчи урмон майдони жуда яхши курсатади. Бу жиҳатдан Канада энг олдинги уринда туради. Масалан, жон бошига Канадада 24 гектар, Финляндияда 5 гектар, Мустақил Ҳамдустлик мамлакатларида 3,2 гектар, Швецияда 3 гектар, Норвегияда 2,2 гектар, АҚШда 1,6 гектар, Европанинг кўпчилиги давлатларида 0,1, 0,4 гектаргача урмон тўғри келади. Ўзбекистонда урмон майдони 712,8 минг гектар булиб, ҳар бир кишига 0,04 гектар майдон тўғри келади.

Тайёрловчи  
Саида УЗОҚОВА,  
Тошкент вилояти,  
Зангиота тумани

## ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ

## Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОКОВ, Гулно-  
ра ЙЎЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУ-  
РАИМОВ, Муқимжон ҚИРғИЗБОЕВ, Дадагон  
ЁКУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф ШОДИ-  
МЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва  
сахифаланди. Оффсет усулида  
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ  
Буюртма — Г-0745,  
10960 нусхада босилди.  
Қогоз бичими — А-3.  
Босишга тоширини вақти 19.00  
Топширилди — 18.30

• Руйхатдан ўтиш тартиби  
№ 000137  
• Маълими: 700083,  
Тошкент шаҳри,  
• Матбуотчилар кўчаси,  
32-уй  
• Нашр курсатқини: № 64563  
• Телефон:  
• 1-33-44-25  
• 1-36-57-91  
• 1-36-54-210